

Хонадон Ўғриликлари Профилактикасининг Ҳуқуқий Асослари

Абдурасулова Қумриниса Раимқуловна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор

Нуруллаев Элбек Абдуқодирович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Ташкилий-стратегик бошқарув”
мутахассислиги 2-гурӯх тингловчиси

Мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, баргараф этишнинг ўзига хос ижобий натижаларга йўлга қўйилиши натижасида криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди. Айниқса фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг хусусӣ мулклари дахлсизлигини таъминлаш, ўғриликни олдини олишда ички ишлар органлари муҳим вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасида “Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди”¹. Мазкур тизимнинг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан ички ишлар органлари тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиб бўлмайди. Мазкур мақсадга эришиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”² деган қоидаларининг ҳаётда мукамал амал қилишини таъминлашни талаб қилади.

Ҳар қандай демократик давлатнинг асосӣ вазифаси инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан, давлат органлари, хусусан ички ишлар органларининг фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятини такомиллаштириш энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Хонадон ўғриликларини олдини олиш профилактикасининг ҳуқуқий асослари – жамиятда хонадон ўғриликларини олдини олиш профилактикаси сиёсатини белгилаш ва уни амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м. – 26-31-б.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон / <https://lex.uz/docs/6445145>

ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда профилактик фаолиятини белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ҳисобланади.

Ўзбекистонда хонадон ўғриликларини олдини олиш профилактикасининг ҳуқуқий асосларини бу соҳадаги халқаро норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президентнинг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлик ва давлат идораларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлари ташкил этади³.

Умумий қилиб айтганда Ўзбекистонда хонадон ўғриликларини олдини олиш профилактикасининг ҳуқуқий асослари бу соҳадаги қонун ва қонун ости норматив ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи дейишимиз мумкин.

Хонадон ўғриликларини олдини олиш профилактикасининг ҳуқуқий асосларини, мазмунига кўра, икки гуруҳга:

биринчи гуруҳ хонадон ўғриликлари учун жавобгарликни кўзда тутувчи нормаларни ўз ичига олувчи;

иккинчи гуруҳ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг хонадон ўғриликларининг профилактикасини амалга оширишга доир фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратиш мумкин.

Ушбу биринчи гуруҳга мансуб ҳуқуқий асослар, асосан Конституция, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят-процессуал кодекслари ва бошқа қонунларини ўзида жамлаганини, иккинчи гуруҳга асосан Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ИИВнинг ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қамраб олганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли⁴лиги белгилаб қўйилган. Ҳар бир шахс хусусий мулкка уй-жойга эга бўлиши мумкин. Хусусий мулк дахлсиз ҳисобланади ва унга тажавуз қонун билан тақиқланади.

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинган⁵лиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг сиёсий етуклиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда.

Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон — 2030”

³ И.Исмаилов, М.Зиёдуллаев, Н.Исроилова, Ф.Азимова. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш: ўқув-амалий қўлланма / масъул муҳаррир И. Исмаилов. – Т.: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2011. Б. 10.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси / <https://lex.uz/docs/6445145#6445678>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон / <https://lex.uz/docs/6445145>

стратегияси тўғрисида”⁶ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони қабул қилинди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қуйидаги асосий ғоялар:

1. барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;
2. аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;
3. аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш;
4. халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш;
5. мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини қафолатли таъминлаш акс эттирилганлигидан ҳам ушбу стратегиянинг мамлакатимиз ривожланиши учун ўта муҳимлигини билдиради.

Шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида⁷ “инсон – жамият – давлат” тамойили мамлакатимизда амалга ошириладиган изчил ислохотларнинг устувор мақсади этиб белгиланганлигини ҳам кўриш мумкин.

Мазкур дастурамал ҳужжатда адолат ва қонун устуворлигини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, айти пайтда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш борасида аниқ мақсадлар кўзда тутилган.

Шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг мустаҳкам ҳимоя қилинишининг таъминланиши ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикасининг энг асосий ва устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Хонадон ўғриликларини олдини олишнинг профилактикаси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги⁸ қонунни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазку қонун жамиятимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, шундай экан хонадон ўғриликлари ҳуқуқбузарликнинг битта тури ҳисобланишини инобатга оладиган бўлсак, демак ушбу қонунни жамиятимизда хонадон ўғриликлари профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган асосий қонунлардан бири сифатида этироф этишимиз мумкин.

Бундан ташқари қонуннинг 3-моддасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

ғайриижтимоий хулқ-атвор — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

ҳуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони / <https://lex.uz/docs/5841063>

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни / <https://lex.uz/docs/2387357>

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи — жисмоний, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқӣ, ижтимоӣ, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоӣ ҳуқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс⁹.

Ички ишлар органларининг хонадон ўғриликларининг профилактикасини амалга оширишда ушбу тушунчаларнинг ўрни беқиёсдир, чунки амалиётда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини белгилаётганда улардан фойдаланишида кўринади ўзига хос ёндошувни белгилаб беради.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, (шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; жамиятда ҳуқуқӣ онг ва ҳуқуқӣ маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш; ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоӣ реабилитация қилиш ва ижтимоӣ мослаштириш; жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари (уқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари¹⁰нинг берилганлиги билан ҳам ушбу қонун хонадон ўғриликлари профилактикасининг асосий ҳуқуқӣ асос ҳисобланади.

Ушбу қонунинг ижросини таъминлаш ҳамда хонадон ўғриликларини олдини олиш профилактикасининг ҳуқуқӣ асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни / <https://lex.uz/docs/2387357>

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни / <https://lex.uz/docs/2387357>

Президентининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4166-сон қарори ҳисобланади.

Айтиш жоизки, бу борада сўнгги йилларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликни жиловлашнинг манзилли механизмлари амалиётга татбиқ этилиб, ҳудудларда криминоген вазиятни барқарор сақлаш бўйича ижобий кўрсаткичларга эришилди. Бироқ ҳудудлардаги аҳвол ўрганилганда, хонадон ўғриликларининг содир этилиши ва уларни барвақт олдини олиш йўналишида ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжудлиги намоён бўлмоқда.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ички ишлар органларининг фаолияти тубдан такомиллаштирилди, янги техник воситалар билан таъминланди, ҳар бир маҳаллада ички ишлар органлари таянч пунктлари ташкил этилиб, профилактика инспекторларининг бошқа соҳавий хизматлар ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлиги янада яхшиланди. Буларнинг барчаси “жиноят содир этилганидан кейин уни содир этган шахсни фош этиш”дек эски усулдан воз кечиб, “жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноят содир этишига йўл қўймаслик, жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш”дек янги усулга ўтишга имкон берди”¹¹.

Бугунги кунда жамиятимизда содир этилаётган хонадон ўғриликларининг кўпайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Шу боис содир этилган жиноятларнинг оқибатларига қарши курашиш эмас, балки мазкур жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифасига айланди.

Бу борада ёшлар ўртасида соғлом турмуштарзини тарғиб этиш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, ёшлар онгида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улугвор фазилатларни камол топтиришда “оила—маҳалла—мактаб” ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ички ишлар органлари фаолиятида олдини олиш профилактикасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, уни мустаҳкамлаш ҳамда тизимда ушбу қонун ҳужжатларига оғишмай амал қилиш руҳиятини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бинобарин, қонун устувор бўлган давлатда нафақат фуқаролар, қолаверса, давлат ва нодавлат ташкилотлари, муассасалари ходимларидан ҳам қонунга сўзсиз итоат этиш талаб қилинади. Шу ўринда айтиш керакки, ҳар қандай фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги *биринчидан*, уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, *иккинчидан*, ваколатли субъектлар фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, масъулиятини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон / <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни / <https://lex.uz/docs/2387357>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони / <https://lex.uz/docs/5841063>

¹¹ Мухамедов Ў.Х. Замоनावий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. — Т., 2018. — Б. 33.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м. – 26-31-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
6. И.Исмаилов, М.Зиёдуллаев, Н.Исроилова, Ф.Азимова. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш: ўқув-амалий қўлланма / масъул муҳаррир И. Исмаилов. – Т.: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2011. Б. 10.
7. Муҳамедов Ў.Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. — Т., 2018. — Б. 33.
8. Umirzakov , B. ., & Boltayev , M. . (2024). Retsidiv jinoyatchilikning kriminologik tavsifi va oldini olishning o‘ziga xos xususiyatlari. Евразийский журнал академических исследований, 4(4), 175–184. извлечено от <https://inacademy.uz/index.php/ejar/article/view/30229> DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11001121>
9. К.Р. Абдурасулова, Б.А. Умирзаков - ... криминологии, криминалистики и ..., 2019 - elibrary.ru Криминологическая характеристика и профилактика преступности несовершеннолетних в Республике Узбекистан
10. Umirzakov B. Analysis of legislation on the prevention of juvenile delinquency in developed foreign countries //The American Journal of Political Science Law and Criminology. – 2022. – Т. 4. – №. 01. – С. 66-72.
11. Умирзаков Б. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 166-170.